ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

№ 45-46 (177-178) | 2000 йил 21 июнь, чоршанба | Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган | Сотувда эркин нархда

МАЪНАВИЯТНИ КИМДАН ЎРГАНАМИЗ

Албатта, маънавияти бой кишидан-да...

Отамнинг жайдари фалсафаси шундай эди: бугунги бригадирнинг қандайлигини кейингиси келганида биласан! Салкам ўн йилдирки, биз йиллар давомида бетайин сиёсатга хизмат қилиб, бебурд тузумда яшаганлигимизни энди англаяпмиз. Чунки коммунистик мафкура бизга отасини сотган, оиласидан воз кечган, яқинларига душманлик қилган одамларни ўрнак қилиб кўрсатарди. Энди эса кимдан, қандай ўрнак олишни даврнинг ўзи кўрсатиб турибди...

Биз барпо этаётган янги жамият юксак маънавий ва ахлоқий қадриятларга таянади ва уларни ривожлантиришга катта эътибор қаратади...

... Жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад - юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик каби кўплаб муҳим масалалардан иборат.

И. КАРИМОВ

Шундай хаёл оғушида пойтахт марказидан Қорақамиш йўналиши бўйлаб йўлга отланган 85-автобусга ўтирарканман, унга ўрнатилган радиокарнайдан соҳир овоз янгради:

- Ассалому алайкум, ҳурматли йўловчилар! Бугун 18 июнь, шифокорларнинг касб байрами куни. Барчангизни ушбу айём билан чин дилдан қутлаб, эсон-омон манзилларингизга етиб олишингизни тилайман!

Руҳиятимда аллақандай енгиллик туйдим. Шанба кунги дилхираликлару туни билан ухламай чиққаним ҳам унут бўлди. Миқтигина гавдасига мос ораста кийинган, соқол-мўйлови дид билан қузалган ҳайдовчининг йўналиш охиригача маърифий мавзудаги ривояту ҳикоятларини тинглаб, манзилга қандай етиб келганимни ҳам билмай қолдим. Негадир юзидан нур ёғилиб турган бу одам билан яқиндан танишиш истаги пайдо бўлди. Тасодифни қарангки, Абдуқаҳҳор ака Мавлонов мен тушдан кейин боришим керак бўлган манзилда - Собир Раҳимов туманидаги Амир Темур номли маҳаллада истиқомат қиларкан.

- Абдуқаҳҳор ака ажойиб инсон, - дея у ҳақдаги саволимга жавоб берди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдувоҳид Тошпўлатов. - Маҳалламиз ҳудудида ўн еттита кўпқаватли уй бўлиб, ҳар бир уйнинг ўз уйбошиси бор. Абдуқаҳҳор ака 40 та хонадон истиқомат қиладиган 4-уйга бош. Ўттиз уч йилдан буён ҳайдовчилик касбини улуғлаб, одамлар орасида ишлаётгани учун бўлса керак, у ҳамма билан бирдек тил топиша олади. Маҳалладаги бирон-бир тадбир - оддий йиғилишдан тортиб байрам тантаналаригача унинг иштирокисиз ўтмайди. Тўғриси, оддийгина ҳайдовчининг бой маънавий олами, қадимий асотирлардан ҳам, замонавий адабиётлардан ҳам, ҳатто унча-мунча уламоларнинг тиши ўтмайдиган исломий манбалардан ҳам хабардорлиги, маърифатга ташналиги бизни ҳайратда қолдиради.

Абдувоҳид ака ҳақ гапни айтди. Чиндан ҳам Абдуқаҳҳор Мавлоновнинг автобус радиокарнайидан янграётган ширали овоздаги маърифий талқинларини эшитган одам унинг оддийгина ҳайдовчилигидан ҳайратланади. Ўзгаларни ўйлаб ўзини тарбият қилган бу одамга ич-ичидан ҳавас қилади. Аслида Абдуқаҳҳор акага ҳар жиҳатдан ҳавас қилса арзийди. У беш фарзандни юртга муҳаббат, Ватанга садоқат ва ҳамиша ўз элига камарбасталик руҳида тарбиялади. Бири-биридан ширин неваралари қалбига ҳам ана шу руҳни сингдиришга интилади. Унинг учун маҳаллада, нафақат маҳаллада, балки ён-атрофида бегона одамнинг ўзи йўқ. Шунинг учун ҳам кўча-кўйдами, автобус салонидами, қаерда бўлмасин, юртдошларини ўз халқи учун ёниб яшашга, киндик қони томган муқаддас тупроққа жонфидоликка чақиради. Унинг одамнинг ғашига тегмайдиган, зерикарли бўлмаган даъватларини тингларканман, хаёлимдан бир фикр ўтди: нега энди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган транспорт ходими, намунали оила бошлиғи, халол меҳнати билан эл шуҳратига сазовор бўлган Абдуқаҳҳор ака Мавлоновдан ўрнак олиб бўлмайди.

Менимча, Ватанга бўлган муҳаббати, меҳнаткаш халқига ҳурмати ва қалбига эш бўлган эзгуликни минглаб дилларга юқтирган ва юқтираётган маърифатли инсон Абдуқаҳҳор Мавлонов ҳар бир ватанпарвар ва элпарвар инсон учун муносиб ўрнак бўла олади.

Муҳими, Абдуқаҳҳор ака каби инсонлар миллий мафкурамизнинг такомиллашувига холис хизмат қилишади. Зеро, миллий мафкура Президентимиз ўзларининг қатор чиқишларида таъкидлаганларидек, халқимизнинг асрий анъаналари, унутилмас урф-одатлари ва қадимий қадриятларига асосланади.

Темир ҚУРБОН,
«Mahalla» мухбири.

● ТАКЛИФ

СЕМИНАР ЎТКАЗИЛСА

Янги тузилмага янгича қарашлар

Республикамизда яқиндагина юз очган Оқсоқоллар Кенгаши ва унинг «Mahalla» газетасида эълон қилинган Низоми мамлакатимиз аҳолисининг, хусусан, маҳаллалар ҳаёти билан ўз фаолиятини боғлаган ҳар бир инсон учун муҳим воқеа ҳисобланади. Бу янги тузилма бизнинг фаолиятимизда ҳам жиддий бурилиш ясаши табиий.

Ўз-ўзидан маълумки, ҳар қандай янгилик ҳаётга бирдан сингиб кетмайди. Уни ҳаётга тадбиқ этиш борасида озми-кўпми ташвиш чекишга ҳам тўғри келади. Шу муносабат билан Оқсоқоллар Кенгаши фаолиятини юритиш, айниқса унинг вилоят, туман (шаҳар) даражасидаги идораларини тузиш, шунингдек, унинг Низомини ўрганиш бўйича тегишли кўрсатмалар, тажрибалар оммалаштирилиши лозим. Шу мақсадда, республика миқёсида, кейин эса вилоятлар даражасида 2-3 кунлик ўқув-семинари ташкил қилиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман.

Комилжон БЕГИМОВ,
Сирдарё вилояти,
Сирдарё тумани Оқсоқоллар кенгаши раиси.

ШУ СОНИНГ

2-саҳифасида:

● Унга бўлғуси Ой аҳли учун ичимлик суви ҳосил қилиш кашфиёти шуҳрат келтирди.

● Бугунги посбонлар аввалги «дружинниклар» эмас.

● Маҳаллалар номи билан гўзал.

● Маҳалла фаоли Абдусаттор Султонов камол топаётган ҳар бир мурғак қалбдан хабардор.

● Нақшбанд қонида Нақшбанд руҳи.

3-саҳифасида:

● Маҳалла ва жаҳон футбол майдонларида: болалар футболи «катта механизм»ни ишлатиб юборди, югославиялик Кежман эса майдондан четлатилди.

● Инсон Навоийдан ўрганиб яшади - бу шаксиз олий мақом.

● Қочқинлар ўлим топди.

4-саҳифасида:

● Эй, Оллоҳим, қариндош-уруғларидан алоқаларини узиб қўйган бандаларингга қандай ажримларинг бор? - сўради Мусо алайҳиссалом.

● «Умуман қўшиқ айтмай қўйдим. Агар санъаткорга муносабат шундай бўлса, айтмай ҳам қўяй».

● «Билимдон йигитга турмушга чиқишни хоҳлайман».

● Ўзингизни билинг: соч қаттиқ бўлса, ақл ирода кучлилигидан нишона.

● Америкаликларнинг ростдан ҳам ойда бўлишганлигига ишончсизлик бор.

Қорақалпоғистон Республикаси

«ҚИЗКЕТГЕН»ДА ПУЛ КЕТГАН

ёки оқсоқол ишончни оқламаса...

...Яқинда Қорақалпоғистон республикаси Вазирлар Кенгашига Нукус шаҳри «Қизкетген» посёлкаси аҳолисидан шикоят хати келиб тушди. Унда ўзини ўзи бошқарув идораларидаги ёшуллилар ўн олти ёшгача болали оилаларга нафақа тайинлаш ва беришда катта хато ва нуқсонларга йўл қўяётгани билдирилган эди. Шикоят жойида аниқланганда нафақа тайинлаш ва тўлаш Низоми қўпол равишда бузилаётгани аниқланди.

Мазкур посёлканинг Ш.Валихонов номли кўча 107 «а» хонадонда истиқомат қилувчи фуқаро К.Қистовбоева ўтган йили туғилган фарзанди Серик Жаксиликовнинг тарбияси билан машғул бўлиб ишсиз уйда ўтиргани учун нафақа сўраб 3-макон (маҳалла) кенгаши йиғини оқсоқоли номига ариза билан мурожаат қилган. Оқсоқол, макон йиғини котиби аризаўйнинг яшаш ва ишлаш шароитини обдон ўрганмасдан унга давлат маблағини ўзлаштириш учун йўл очиб беради, яъни фуқаро К.Қистовбоева 20355 сўмни ноқонуний равишда чўнтагига уради. Аслида эса у ўзи ишлаётган «Карбонот» хиссадорлик жамиятидан ҳар ойда бола тарбияси учун 2625 сўмдан нафақа олиб турганлиги аниқланди.

Посёлка фуқаролар йиғини котиби Талгат Ережеповнинг ишга масъулиятсизлик билан ёндошиши оқибатида эса баъзи фуқаролар азият чекмоқда. Масалан, посёлканинг Охунбобоев номли кўчасида истиқомат қилувчи Жумагул Ешбоева нафақа сўраб ариза билан мурожаат қилганида, котиб ўйламай-нетмай унинг оиласи даромадига 33322 сўм қўшиб ҳисоблайди. Шундай қилиб, котибнинг, комиссия аъзоларининг ўз вазифасига совуққонлик билан ёндошиши оқибатида аризагўй Ж.Ешбоева олти ой давомида тегишли нафақани ололмасдан сарсон бўлди.

Фуқаролар йиғини оқсоқоли, котибнинг, комиссиянинг эътиборсизлиги шу даражага бориб етдики, баъзи фуқароларнинг нафақа пулини такрор ва такрор олиши каби қонунбузарликларга йўл қўйилган. Посёлка ҳудудидаги 2-макон маҳалла кенгаши томонидан тайёрланган 1999 йил июл ойи учун икки ёшгача бўлган болали оилаларга нафақа тўлаш ҳужжатларида Королева номли кўча 45-хонадонда яшовчи Улданой Сансизбоеванинг фамилияси икки жойда қайд этилганини қандай изоҳлаш мумкин?

«Қизкетген» посёлкаси 2-макон (маҳалла) фуқаролар йиғини оқсоқоли Сарсенбой Давекеев эгаллаб турган лавозимини суистеъмол қилиб, 5940 сўм ёрдам пулини ўзлаштириб юборган.

Тўғри, йўл қўйган хатолар, нуқсонлар барҳам топди. Аммо, юқори ташкилотлар аралашгач, бир қанча масъул шахсларнинг қимматли вақти эвазига бу қинғир ишлар аниқланди. Хулоса шуки, ҳар бир фуқаро масъулиятни тўла ҳис қилган ҳолда «ўз юкини ўзи кўтарса», фуқаролар йиғини оқсоқоллари, жонкуярлари ишга виждонан ёндошса, бундай салбий кўринишлар юз бермаган бўларди.

А.ИСКАНДАРОВ,
«Mahalla» мухбири.

● ЎЗБЕКИСТОН ДАВРУҒИ

ШОҲСУПАДАН ТУШМА, ИРОДА!

Ирода Тўлаганова «Тошкент опен - 2000» халқаро турнирининг ғолиби бўлди! Барчамиз бу сатрларни оддий хабар эмас, ифтихор ҳайқириғи, жаҳон теннис спортида юртимиз шаънини ҳимоя қила оладиган матонат эгаси майдонга чиққанининг хушхабари дея қабул қилдик.



Ирода ўтган йили Уимблдонда, бу йил Тошкентда қўлга киритган ғалабалари, маҳоратли ўйинлари билан исми жисмига монанд эканлигини исботлади, миллионлаб ишқибозлар тилидан «Яшасин!» ҳайқириқлари янгради унинг шаънига. У ғолиблик шоҳсупасига кўтарилаётганда вужудида титроқ турган киши бир мен бўлмаганимга ишончим комил.

Қисқаси, Иродани ушбу муваффақияти билан, жаҳон теннис спортини эса қизиқарли, маҳоратли ўйинлари билан «сийлайдиган» спортчи етишгани билан табриклаймиз. Халқаро миқёсдаги мусобақалардаги ғалабалар Иродани дунёдаги миллионлаб теннис ишқибозларининг муҳаббатига сазовор этади.

М. Курбонова.

Бемаҳалда эшик қўнғироғи безовталаниб жиринглади. Шошганимча эшикка чиқсам, Қўқондан келган меҳмонлар экан. Улар мени кўриши билан салом-аликни ҳам унутиб «Хайрият-э» деб оғир сўлиш олишди.

КЎЧАНИНГ ЭГАСИ КИМ?

Бечоралар тун қоронғусида уйимизни тополмай қоронғу кўчаларда роса сарсон бўлишибди. Маълум бўлишича, улар олдинги сафар келишганда на кўчамизни, на уй рақамини эслаб қолишган. Аксинча, уйимиз олдидаги кенггина сайҳонликни белги қилиб кетишган экан.

Орадан ўтган 5-6 йил ичида бу сайҳонликнинг ҳам, мўлгина кўчамизнинг ҳам эгалари чиқиб қолди. Олдин бир қўшнимиз ўз ҳовлисини кенгайтириш мақсадида четан деворини нақ етти метрга кўчирди. Кейингиси ҳам ундан қолгиси келмади, симтўр билан тўсилган «девор»ини қўшниники қаторига кўчирди. Рўпарамиздаги қўшни эса бира тўла сайҳонликни ҳам қўшиб пишиқ-пухта девор кўтарди. Қарабсизки, бир неча йил ичида кенг-мўлгина кўча қисқариб, бир қулочгина бўлиб қолди.

Агар бундай ҳол фақатгина бизнинг кўчамизда рўй берганида эҳтимол, гапириб ўтиришнинг ҳожати ҳам бўлмас эди. Аммо шаҳримиз бўйлаб юрсангиз, олдинига «яшил девор», кейин симтўр, кейинроқ эса пишиқ ғиштдан тиклинган деворлар туфайли қисқариб. айрим ҳолларда умуман «йўқолиб» қолган кўчаларни кўплаб учратасиз. Айниқса, боши берк кўчаларда яшовчилар ўзбошимчаликда барчани ортда қолдиришса керак. Уларнинг «тадбиркорлиги» туфайли бундай сунъий тор кўчаларга айланган боши берк йўлакларга на «тез ёрдам» на ўт ўчириш машиналари кира олади. Ахир, ота-боболаримиз уй қуришганда кўчанинг «ҳақи»ни унутишмаган-ку! Нега энди биз уларнинг удумларига зид иш қилишимиз керак?!

Водий томонларда бўлганимда қишлоқ кўчаларининг иланг-биланглигини кўриб ажабланган эдим. Кейин билсам, улар кўча бўйига қурилган эски уйларини бузиб, янги бино тиклашганда, албатта бир-икки қулоч «йўл ҳақи» ташлашар экан. Натижада бир пайтлар тўғри, равон бўлган кўчалар четдан келган одамнинг кўзига илонизи бўлиб кўринаркан. Ахир, инсофу диёнатда биз бир хил эмасмизми? Нега энди ўз очкўзлигимизни кўчаларга нисбатан ҳам намоён этишимиз керак! Ахир, бу кўчаларнинг эгаси ҳам бордир!

Т. ЖЎРАЕВ.

«Бугун ўзимизнинг маҳалла болалари футбол ўйнашар экан...»

3-саҳифа ⟶

● МУШТАРИЙ БИЛАН МУЛОҚОТ

«MAHALLA»НИ СЕВАМИЗ

Сирдарё вилояти «Матбуот» ўюшмаси раҳбари Р.Дадабоева ўзини газетамизнинг ўқувчиларидан ҳисоблайди. Биз унга қатор саволлар билан мурожаат қилдик:

- Рашида опа, сизга «Mahalla»нинг нимаси ёқади?

- Ортиқча шов-шувсиз, эҳтиросларсиз ҳолисона, сермулоҳаза мақолаларга бой газетани муштарийлар ҳамиша севиб ўқийди. «Mahalla»ни ана шундай нашрлар қаторига қўйиш ўринлидир. Чунки газетадан иймон-эътиқодга, яхшиликка чорловчи қизиқарли ва таъсирчан мақолаларни қийналмай топасиз. Шу жиҳатдан «Mahalla» менга ёқади. Ҳар бир сонини топиб ўқишимнинг боиси шунда...

- Бу сизнинг шахсий мулоҳазаларингиз, албатта. Умуман Сирдарёда «Mahalla»га қизиқиш қандай?

- Бизда вилоят бўйича газета-журналлар билан савдо қилувчи 27 та дўконимиз бор. Одамлар бу дўконлардан қарийб 20 хилдаги кундалиқ матбуот нашрлари харид қиладилар. Улар орасида «Mahalla»ни харид қилувчилар ҳам оз эмас. Аниқроқ айтадиган бўлсам мазкур газетанинг ҳар сонидан 70-80 нусха оламиз. Сотувда чаққон кетади.

- Газета жамоасига қандай тилакларингиз бор?

- Иложи борича чуқур мулоҳазага ундовчи жиддий мақолаларни кўпроқ бериб бориш керак. Маҳалла ҳаётидан узоқлашиб, унинг фаолиятини тан олмайдиганлар ҳақида. Танқидий мақолалар уюштирилса айни муддао бўлур эди. Ёшлар тарбиясига, жойлардаги жамғарманинг аҳволи ҳақидаги мақолаларга кенгроқ ўрин берилса - газета бундан ютса ютадики, ютқазмайди.

Яна бир таклифимиз: бизнинг соҳа одамлари ҳам маҳаллаларда яшайдилар. Имкон қадар шу тармоқ одамларининг иши, онласи, тақдири ҳақида ҳам ёритиб борилса...

Сухбатдош Ж. ҚОСИМОВ.

● «МАҲАЛЛА» ТАДБИРИ

ПОСБОНЛАР ЎҚУВИ

- Маҳаллалар тинчлик-осойишталигини сақлашга даъват этилган посбонлар бир жиҳатдан ярим ҳарбийлашган, жамоатчилик тартибида тузиладиган ҳимоячиларимиздир, - деди республика Оқсоқоллар Кенгаши раиси Шуҳрат Жалилов «Маҳалла зиёси» республика ўқув-услубий марказида ташкил этилган ўқув машғулотида.

Ҳақиқатдан ҳам посбонлар ва айниқса маҳаллаларда уларнинг бошини қовуштириб турган сардорлар фаолияти бугунги кунда таҳсинга сазовор. Ўқув-машғулотига таклиф этилган Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси бўлими бошлиғи Дилмурод Жўрабоевнинг келтирган ахборотига қараганда сўнгги беш ойлик муддат ичида посбонлар зиёраклиги ва изчил фаолияти туфайли шаҳарда 197 жиноят фош этилди, 136 та содир бўлиши мумкин бўлган жиноятларнинг олди олинди. Шу рақамларнинг ўзиёқ маҳалла посбонларининг аҳамиятидан далолат бериб турибди.

Жамоат тартибини сақлаш, жиноятнинг олдини олиш ва профилактика ишларини чуқур олиб боришда посбонларга маҳаллий аҳоли ҳам яқиндан ёрдам бериши, амалий таъсир кўрсатиши мақсадга мувофиқлиги ўқув машғулотида таъкидлаб ўтилди. Бундай ўқувлар шаҳардаги барча туманлар посбон сардорлари билан ўтказилади.

Зилола ЖУМАЕВА.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Телефонлар: Хатлар бўлими: 136-53-75, масъул котиб: 136-53-75 ижодий бўлимлар — 136-53-82, Қабулхона — 136-53-93. Тел/факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

● ХОТИРА

МАҲАЛЛА ФАХРИ ЭДИ

Президентимиз ташаббуси билан Юнусобод туманида барпо қилинган «Шаҳидлар хотираси» хиёбони у жойлашган маҳалла аҳли хотирасида мангуга муҳрланган яна бир инсонни ёдга солди.

У қисқа, аммо сермазмун ҳаёти давомида ўз халқи ва ватани учун шунчалик кўп ишларни қилди. Бугунги кунда маҳалладошлари унинг номи билан аталадиган маҳаллада яшашларидан фахрланишади. Ўтган йили эса кенг ва равон кўчага унинг бюстини ўрнатиш билан маҳалладошлар ўз ҳурмат ва эҳтиромларини яна бир бор намоён этишди.

Хўш, бу инсон ким бўлди? Ватан ва халқ олдидаги қайси хизматлари учун унга элу юрт эҳтиром кўрсатмоқда? Нафсиламбрини айтганда, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, техника фанлари доктори, профессор Ғиёс Умаров бундан-да ортиқроқ шарафга лойиқ. Чунки, у нафақат ядро физикаси соҳасида етук мутахассис, балки гелиотехникага асос солган биринчи қалдирғочлардан эди. Шунинг учун ҳам у ўзидан бебаҳо мерос - мислсиз ғоялар, халқ хўжалигида қуёш энергиясидан фойдаланиш учун яратилган асбоб-ускуналар ва турли конструкциялар қолдирди.

Изланувчан олим Ғиёс Умаров қатор ажойиб лойиҳаларнинг муаллифи эди. Тоғ ҳудудларида сув қазиб чиқариш, бўлғуси Ой аҳли учун ичимлик суви ҳосил қилиш каби буюк кашфиётлари унга халқаро миқёсда шуҳрат келтирди. Аммо унинг Ер аҳли учун, одамлар ҳаётини яхшилаш учун қилган кашфиётлари ҳам бебаҳодир. Олим яратган уйларни қуёш энергияси билан иситиш ва салқин қилиш, қудуқ сувларини юқорига олиб чиқувчи насослар, иссиқхоналар, меваларни қуритиш мосламалари юртдошларимиз турмушини фаровонлаштиришда муҳим рол ўйнади. Айниқса, бу асбоб-ускуналар тоғ ва даштликларда, иссиқлик узатиш ва ёқилғи олиб бориш ҳам қийин, ҳам қимматга тушадиган ҳудудларда яшовчи аҳоли учун ниҳоятда зарурдир.

Ғиёс Умаровнинг кўплаб кашфиётлари пахта етиштиришга бевосита боғлиқдир. Чигитларни махсус усул билан экиш, униб чиққан ғўзаларни суғориш йўллари, энг муҳими, уни плёнка остига экиш методини бундан 20 йил олдин Ғиёс Умаров ишлаб чиққан эди.

Ғиёс Умаров тажрибасининг муҳим томони шунда эдики, у одатдаги плёнкадан фарқли ўлароқ, ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетадиган плёнкани таклиф қилди. У ғўза учун зарурати қолмагач, яъни бир ойдан кейин ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади. Натижада анчагина қимматга тушадиган, далаларни плёнкадан тозалаш каби машаққатли ишга зарурат қолмайди.

- Ғиёс Умаров иқтидорли олим эди, - дея хотирлайди Ўзбекистон Фанлар академиясининг Энергетика ва автоматика институти директори, академик Ромэн Зоҳидов. - У шунинг билан бирга қобилиятли инженер ва конструктор эди. Бу эса у яратган кашфиётларнинг ўзига хослиги ва узоқ яшаб қолишини таъминларди.

Ғиёс Умаровнинг фоний дунёни тарк этганига ҳам бир неча йил бўлди. Аммо у яратган кашфиётлар, бебурд тузум туфайли амалга ошмай қолган ихтиролар бугун иккинчи умрини яшамоқда. Истиқлол берган имкон олим ғояларининг амалга ошишига илҳом бермоқда. «Шаҳидлар хотираси» хиёбонининг мустабид тузум туфайли азият чеккан олим номидаги маҳалла ҳудудида барпо этилиши ҳам, назаримда, ўзига хос рамзий қимматга эга.

- Уч мингга яқин аҳоли яшайдиган маҳалламизнинг, - дейди маҳалла оқсоқоли Адҳамжон Умархўжаев, - ҳар бир фуқароси «Шаҳидлар хотираси» хиёбони барпо этилишида, атрофни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида фаол иштирок этишди. Тўғриси, бундай улкан мажмуанинг маҳалламиз ҳудудида барпо этилганидан фахрланамиз. Бу гўзал обидага мос равишда янги, обод гузар қуришни ҳам режалаштирганмиз. Маҳалла маъмурияти жойлашган бинода маҳалламиз тарихини акс эттирувчи махсус хона ташкил қилиш ниятидамиз. Албатта, унинг экспонатлари ичида Ғиёс Умаровнинг ҳаёти ва илмий фаолиятини акс эттирувчи кўргазмалар бўлади. Чунки биз маҳалламиз фахри бўлган Ғиёс Умаров билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Анатолий ЕРШОВ.

● ОҚСОҚОЛЛАР ҲАЁТИДАН

УМР ЗОЕ ЎТМАСИН ЭКАН

Яқинда Чилонзор туманидаги 3-Чархкамолон маҳалласида яшовчи Сайфиддин ота Рихсиев билан бир пиёла чой устида бироз суҳбатлашдик.

Минг ойнинг юзини кўрган отани салкам 40 йилдан бери яхши биламан. 38 йил мазкур маҳаллада раис бўлганлар.

- Ишлаб юрган вақтингда билмас экансан, - деб гапларига яқун ясадилар отахон. - Вақт кўзни юмиб-очгунча жуда тез ўтиб кетаркан. У-бу эзгу ишларни қилиб қолиш керак экан. Шунда, ҳамманинг кўзига ёруғ юз билан қарар экансан, одамлар сени унутмай йўқлаб туришар экан, сизга ўхшаб...

Сайфиддин ака ўзининг шу ақидасига амал қилиб яшаган. Талайгина ибратли ишларни қилиб, маҳалла аҳлининг ҳурматига сазовор бўлган оқсоқоллардан.

Маҳалла кўчаларининг номини жисмига монанд бўлишида хизматлари катта: «Навбаҳор», «Завқий», «Тоҳир», «Зуҳра», «Хушбахт», «Зарқанд», «Зафар» каби чиройли номлар бугун уларнинг ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. Кўчаларнинг икки қанотида замонавий уйлар, олдиндан ариқ ўтказилиб, мевали дарахтлар ўтқазилган.

Сайфиддин ота тўйлардаги ичкиликбозликка, етти маҳаллага ош беришларга қарши чиқиб, тўйларни иложи борича ихчам, исрофгарчиликсиз ўтказишни йўлга қўйган.

Туман раҳбарияти Сайфиддин отани кўп йиллик самарали жамоат ишини ҳисобга олиб Ҳаж сафарига борувчиларга гуруҳбоши сифатида юбориб рағбатлантирди. Муқаддас сафардан қайтган раис, жамоат ишини ёшларга топшириб, Ҳожи бува, деган муборак ном эгаси бўлиб, кексалик гаштини суриб юрибдилар. Тажрибали, фахрий оқсоқол сифатида отадан маҳалла мутасаддилари маслаҳат олиб турадилар.

Саидмурод САИДАҲМАД,
журналист.

Ғаллааороллик Гулчеҳра Умрзоқова қирқ йиллик умрини болалар таълим ва тарбиясига бағишлаб, мактаб директори сифатида фаолият кўрсатиб келади. У ижтимоий ҳаётдан бўш вақтида жамоа ташвиши билан банд. Г.Умрзоқова маҳалладаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссиясида аёллар қалбига чуқур кириб боришни билади.

● ЯНГИ МАҲАЛЛАЛАР

Уч ой аввал ташкил этилган янги маҳалла фуқаролар йиғини шундай номланди. 5 мингга яқин аҳолига эга авиашаҳарча аввал Усмон Юсупов номли маҳалла таркибига кирарди.

«УЧУВЧИЛАР» МАҲАЛЛАСИ

Маҳалла фуқаролар йиғини иккала мавзе аҳолиси муаммоларини қўлидан келганча ечишга ҳаракат қилар эди. Лекин маҳалла идораси авиашаҳарчадан узоқда жойлашгани мавзеда яшовчилар учун ноқулай эди.

- Фуқаро авиациясига қарашли «Учувчилар шаҳарчаси» маҳалла фуқаролар йиғинининг ташкил этилиши ҳаёт тақозоси, - деди ушбу йиғин раиси Орзигул Содиқова. - Аниқроғи, бу иш аҳоли илтимосига биноан рўёбга чиқди. Сирғали туманы ҳокими Мидхат Йўлдошев бу таклифни қўллаб-қувватлабгина қолмай, балки масалани тез ҳал этишга катта ёрдам берди.

Ўтган йилнинг декабрида ўтказилган йиғилишда маҳалла фуқаролар йиғини аъзолари сайланди. Геннадий Шрамков маҳалла раиси ўринбосари бўлди. Иқтисодчи Феруза Мадалиева сафимизга кейинроқ келиб қўшилди.

Энг аввал ташкилий масалалар ҳал этилиши керак эди - янги маҳалланинг на биноси, на телефони ва на оддий жиҳозлари бор эди. Бу муаммоларни ечишда «Тошкент» аэропорти раҳбарияти, МАК «Фаҳрийлар ассоциацияси», Ўзаэронавигация маркази мутахассислари катта ёрдам беришди. Ушбу ёрдам туфайли ўз вазифамизни амалда бажаришга тез киришдик. Бу ерда яшовчиларнинг учдан бир қисми пенсионер, 120 оила кам таъминланган оилалар тоифасига, саккизтаси ўта муҳтож оилалар қаторига киради. Ҳатто биринчи гуруҳ ногирони болалари бор 16 та оила яшашини ҳам аниқладик.

Биз микрорайонни ободонлаштириш муаммоларини ҳам ҳал этаяпмиз. Шаҳарча тураржой фонди ҳали яхши кўринишга эга эмас. Кўпгина уйлар, муҳандислик тармоқлари, йўлка ва йўллар таъмирга муҳтож. Сув билан таъминлашдаги узилишлар туфайли кўпгина дарахтлар қуриб қолган. Бунинг ҳаммаси албатта бир кунда бажариладиган иш эмас. Ҳозирча биз фақат кўчаларни ёритиш тизимини созладик. Вақт талаб этувчи яна бир хайрли ишни амалга оширмоқчимиз, яъни хайрия ошхонасини очмоқчимиз. Авиатаъмирлаш заводи бизга ошхона учун бино ажратди. Лекин уни таъмирлаб, керакли жиҳозлар олишимиз лозим. Юк-багаж мажмуаси ходимлари бу ишда ёрдам бериб, ошхона учун тарелка, қошиқ ва кастрюлка йиғиб беришди.

Биз четдан ҳеч кимни таклиф қилмоқчи эмасмиз. Ошхона фақат хайрия ошхонаси эмас, балки кам таъминланган оилалар ва пенсионерлар учун қўшимча иш жойини ташкил этиш йўлларидан биридир. Кетринг мутахассислари бизга кадрлар тайёрлашда ёрдам беради деб ишонамиз. Улар режалаштирилган кондитерлик (ширинликлар тайёрловчи) цехни очганимизда ҳам керак бўлади. Биз дўкон очиб, аҳолидан кийишга яроқли арзон нархда сотиб олинган, арзонлаштирилган моллар савдосини ўтказмоқчимиз.

- Уч ой - катта муддат эмас деб айтганингиз тўғри. Ҳозирча авиашаҳарча ҳаётида жуда катта ўзгаришлар бўлгани йўқ. Лекин режаларни амалга ошириш учун ҳаракат бошланди. Биз Сирғали туман ҳокимияти, «Тошкент» аэропорти раҳбарияти, авиаходимлар Марказий қўмитаси ва МАКнинг бир қатор бўлим, хизмат мутахассислари ёрдамида муаммоларимизни ечишга ҳаракат қиламиз.

М. ЙЎЛБАРСМИРЗАЕВ.

ЭСТАФЕТА ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

Илму фазли билан олам аҳлини лол қолдирган, соҳир қўллари-ю сеҳрли қуйлари билан бани башар ҳайратини оширган буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари эканимиздан ҳар лаҳза чексиз фахру ифтихор ҳисларини туйиб турамиз. Боболаримизнинг қалб қўри ва кўз нури ила яратилган бебаҳо жавоҳиротлар, муборак ҳадислару қадимги битиклар бизнинг йўлимизни нурафшон қилиб турибди.

Ёш авлодни тарбиялашда, баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда оталар ўгити ҳам муносиб ўринни эгаллайди. Уларнинг турмуш тажрибалари, ҳаётий кўникмалари асосида яралган доно маслаҳатлари мисоли маёқдек бизни буюк келажакка бошлаши шак-шубҳасиздир.

Равшан РАЖАБОВ.

ПОСБОНЛАР — ҲАР НЕГА ҚОДИРЛАР

Бир вақтлар кўча-кўй, истироҳат боғларида билагига қизил мато таққан кўнгилли тартибсақловчилар - «дружинник»лар фаолият кўрсатар эди.

Уларни моҳият жиҳатидан кўнгилли дейиш қийин, чунки улар бу хизматга ишхоналарда мажбуран тиркаб қўйиларди. Ундан ташқари бу «посбон»лар ҳақиқий ўғри-каззобларни эмас, кўпинча беҳаракат, яримхушдаги маст-аластларни қўлга туширишбилан «режа»ни бажаришарди, холос. Бугунги кун посбонлари фаолият нуқтаи назаридан улардан тамоман фарқ қилади. Қўрғонтепа туманидаги «Қўрғонтепа» қишлоқ фуқаролар йиғинида посбонларнинг умумий сони 123 нафарни ташкил этади. Бу ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинига ўртача 10 кишидан тўғри келади, деганидир. Уларга 12 нафар ҳарбий хизматни ўтаб қайтган, муносиб ёшлар сардорлик қилишмоқда. Посбонларнинг ишларига тўртта милиция вакили амалий ва услубий жиҳатдан доимий равишда ёрдам кўрсатиб келади.

- Қўрғонтепа туман ҳокимлигининг ташаббуси билан «Маҳалла посбонлари» гуруҳларининг сардорлари нуфузли комиссия томонидан аттестациядан ўтказилди, - дейди Андижон вилоят Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси Аминжон Солиев, - синовдан ўтолмаган сардорлар ўрнига бошқа муносиблари танланиб, белгиланган тартибда тасдиқланмоқда. Бу - уларнинг масъулиятни ҳис этиб фаолият кўрсатишларига туртки бўляпти. Тумандаги Т.Содиқов номли маҳалла фуқаролар йиғини посбонларининг сардори Одилжон Мамақулов Қўрғонтепа шаҳар бозорида диний экстремистик руҳдаги варақа тарқатаётган ноўмалум кимсани далилий ашёлари билан ушлаб милиция бўлимига олиб келиб топширганини катта жасорат, масъулиятни чуқур англаш деб аташ мумкин.

Кўрсатган жасорати учун О.Мамақулов «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими томонидан беш минг сўм пул мукофоти билан рағбатлантирилди. Қолаверса, варақалар тарқалиши оқибатида юз бериши мумкин бўлган кўнгилсизликлар олди олинди. Айни кунларда тумандаги «Тунги посбонлар» фаолияти тажрибасини кенг ёйиш, тарғиб қилиш мақсадида вилоят миқёсида семинар ўтказиш тадориги кўрилмоқда. Бу мақсад учун жамғарма томонидан қўшимча маблағ ҳам ажратилди.

Муҳаммад ҚОДИР,
«Mahalla» мухбири.

● ХАБАРЛАР

Самарканд

МАҲАЛЛА ҲИССАСИ

Дастурхонимиз тўкинсочинлиги энг аввало республикамиз ғалла хирмонини юксалтиришдаги жонбозлигимизга боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас.

Бу йилги ғалла йиғим-терими мавсумида ҳам каттаю кичик, ёшу қари бирдек ғайрат кўрсатмоқда. Нарпай туман маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгаши раиси А.Эшмуродов бошчилиғида маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, оқсоқоллар, жонкуярлар ризқ-рўзимиз - ғалла ҳосилининг нес-нобуд бўлмай хирмонга уюлишини назорат қилишда ғалла миришкорларига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Шунингдек, Иттифоқ жамоа хўжалигининг биринчилардан бўлиб режани уддалашида ҳам «Бедан» маҳалла фуқаролар йиғини ва Нўғай маҳалласи аҳлининг ҳам салмоқли улуши бор.

Ш. Каршиев,
«Mahalla» мухбири.

Сурхондарё

БУЗОҚНИНГ ЮГУРГАНИ СОМОНХОНАГАЧА

Шу йилнинг 7 июн куни кун ботарга яқин Термиз туманидаги «Халқобод» жамоа хўжалиги ҳудудидан ўтувчи Термиз-Тошкент автомагистрали бўйида кетаётган Товус исмли қизчани «Камаз» автомашинаси туртиб кетади.

Ҳайдовчи қўрққанидан қочиб қолади. Аммо бу воқеадан хабар топган ИИБ ходимлари дарҳол қочоқ машина ва унинг ҳайдовчисини тутиш тадбирини излашади. Зудлик билан кўрилган ишлар натижасида давлат белгиси «0586 СДО» бўлган «Камаз-5155» русумли автоулов ҳайдовчиси Ё.Х. шу хўжалик ҳудудида ушланди.

С.АБДУВОҲИДОВ,
ички хизмат капитани.
М.АБДУЛФАЙЗОВ,
«Mahalla» мухбири.

Оталар сўзи...

У тўгаракка ҳар қанча шошилиб-ҳовлиқмасин, оддий маҳалладош ёки қўшни сифатида уни суҳбатга тортганмисиз? Абдусаттор ака шундай болаларни суҳбатга тортади:

«Қайси тўгаракка борасан?», «Муножот»ни чалишни ўргандингми?», «Сен-чи, радио тузатиш сирларини пухта билдингми?», «Шарофат, компьютерни қанчада ўзлаштирса бўларкан?»

Абдусаттор Султонов болаларни бекорчиликдан сўроққа тутмайди - ўзининг ҳам маҳаллада иши кўп. Лекин Қўшқўрғон маҳалла фуқаролар йиғини котиби бўлгани, қолаверса, ҳар бир кўзи тушгани ўз «қавми»нинг боласи, аниқроқ айтганда, шу маҳалланинг келажак меваси бўлгани учун улар билан алоҳида қизиқади.

Сирғали тумани Ўқувчи ва ёшларнинг илмий-техника ижодиёт Маркази бугунги кунда 30 дан ортиқ соҳа бўйича тўгарак машғулотларини ташкил этган бўлса, ана шу машғулотларнинг баъзилари мактаб қошида, ўқув ишлаб чиқариш комбинатида, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида, асосий қисми эса бевосита маҳаллаларда маскан топган.

Болалар бу ерда касб-ҳунар ўрганиш билан биргаликда, ўз меҳнатларининг моддий рағбатлантирилишига ҳам гувоҳ бўлаётирлар. Хусусан, Йўлдош маҳалласидаги Сайфутдин Икромов раҳбарлик қилаётган Ёш мебелсозлар тўгараги аъзолари шартнома асосида мактаб ва боғчаларнинг стол-стулларини таъмирлаб, маблағ ишлаб топишмоқда. Қўшқўрғон маҳалласида эса 0,3 гектарлик майдондаги иссиқхонага табиатшунослик тўгараги аъзолари помидор экиб парваришлашди. Қувонарли жиҳати шундаки, Марказ ўқувчи ёшларга энг сўнгги бозор талабларига мос бўлган таълим турларини ҳам бепул тавсия этаётир. Хусусан, инглиз тили, компьютер сабоқлари, қандолатчилик, сартарошлик ёки мебел дизайни бўйича иш ўргатиш бугунги кунда жуда қиммат нархларда амалга оширилаётганига қарамай, Марказ аъзоларига бу замонавий касб-ҳунарлар текинга ўргатилмоқда.

- Марказимизда Болалар биржаси ҳамда банкини очиш яқин келажакдаги режаларимдан биридир, - дейди Марказ директори Жамолиддин Камолов. - Болалар биржасининг асосий вазифаси мактаб битирувчиси ёшидаги ўсмирларга 30 дан ортиқ йўналишдаги касбни тавсия этиб, бирор муайян соҳада етук мутахассис қилиб тайёрлашдир. Шу соҳада баркамолликка етишган «қалдирғочларимиз» эртага мустақил хусусий тадбиркорлик фаолиятини бемалол юритишлари мумкин бўлади.

Лазокат ЗУКУРОВА.

● СОҒЛОМ АВЛОД ТАШВИШИ

БЎЛАЖАК РАКЕТАСОЗУ САРТАРОШ ҲАМ МАҲАЛЛАДАН ЧИҚАДИ

Қўлида рубоб кўтариб ўтган ёки кечаги машғулотда ўз кучи билан ясаган ракетасини авайлаб ушлаган болакайни кўрганмисиз? Кўргансиз.

● МДҲ ЯНГИЛИКЛАРИ

РОССИЯ: МУҚОБИЛ ХИЗМАТ — МАГАДАН ЎРМОНЛАРИДА 4 ЙИЛ

Қўлига қурол олишни хоҳламаган қарбий хизматга чақирилувчилар 4 йил хизмат қилишлари лозим бўладиган кўринади. Россия думасига киритилаётган янги қонун лойиҳасида шундай модда ҳам мавжуд.

Дарвоқе, муқобил хизмат қилиш истагини билдирган ёшлар аввал ўзларининг пацифистик дунёқарашларини чақирув комиссияси аъзоларига исботлашлари талаб этилади. Шундан кейингина комиссия уларни қаёққа йўллаш ўринли экани ҳақида бир қарорга келади. Йигитлар Қуролли кучларнинг фуқаролик бўлимларига ёки юқорида таъкидлаганимиздек, бирон-бир ўрмонга дарахт кесишга равона бўлишади. Янги қонун лойиҳаси ҳақида оммани «Сегодня» газетаси хабардор қилган.

ГРУЗИЯ: ГЎЗАЛЛИК ЁШ ТАНЛАМАЙДИ

Айрим муштарийларимизнинг энсаси қотиши ҳам мумкин. Шундай бўлса-да, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, Тбилисида кекса гўзаллар танлови ўтказилди. 14 даъвогарнинг энг «кенжаси» 90 ёшда, энг каттаси эса 101 ёшга кирган.

Йўқ, танлов иштирокчилари саҳна бўйлаб ярим ялангоч ҳолда юришгани йўқ, албатта. Улар ўзларининг бошқа истеъдодларга бой эканликларини намойиш қилишди. Энг ёш иштирокчилардан бири бор-йўғи 92 ёшга тўлган тбилисилик Вано Гарсеванишвили Шарль де Голль совға қилган саксафонда куйлар чалиб олқишга кўмилди. Иккинчи жаҳон уруши даврида асирга тушган, тутқунликдан қочишга муваффақ бўлгач, Францияда партизанлар ҳаракати иштирокчисига айланган мусиқачи «Марсельеза»ни чалишни ўрганган эди. Кунлардан бир кун у ўз маҳоратини машҳур генерал ҳузурида намойиш қилиш имконига эга бўлган. Орадан маълум вақт ўтгач, Ванога де Голлнинг совғаси - янги саксафон олиб келиб беришган.

Иштирокчиларнинг энг ёши улуғи - Соня Кониашвили эса 101 ёшда. 17 ёшида турмушга чиққан, тўрт фарзанднинг онаси, бугун 10 невара ва 14 чевара қуршовида. «Бугун худди турмушга чиққан кунимиздаги каби бахтиёрман, - деди Соня. - Афсуски, марҳум турмуш ўртоғим бугун ёнимда эмас».

Танловда иштирок этганлар орасида ғолибни аниқлаш муҳим эмас эди. Ташкилотчилар ғолибларни эълон қилиб ўтиришмади.

«Саванэ» хайрия ассоциацияси иштирокчилардан ҳар бирига 50 лари (25 доллар) ва доридармон совға қилди.

«Энг яхши дори - бу грузин қизил виноси», - дейди пенсионер-врач Павел Абуладзе. У 100 ёшга тўлган. Танловда 12 килограммлик тошни 10 марта бир қўлида юқори кўтаришга муваффақ бўлди. Айтишича, чекмайди, ароқ ичмайди, ёғли ва аччиқ овқат истеъмол қилмайди. Аммо тушликда уй виносини ичишни ҳам канда қилмайди. «Мана сизга 100 ёшга тўлишнинг сири», - дейди кулиб Абуладзе.

(Хориж оммавий ахборот воситалари материаллари асосида тайёрланди)

● ҲАЙРАТ

Кашкадарё

НАҚШБАНД РУҲЛАРИ ҚЎЛЛАЁТГАН НАҚШБАНД

Кейинги пайтларда Қашқадарёда бу ажойиб, истеъдодли бола ҳақида кўп гапирадиган бўлиб қолишди.

Муборак туманига - Эргаш Ярашевлар хонадонига ана шу болани кўриш, у билан суҳбатлашиш истагида бордик. Гулойим опа уйдан ўғилчасини эргаштириб чиқди. У биз билан болаларга хос салом-алик қилиб, ийманибгина кўрпача чеккасига ўтирди. Дастлабки саволларимизга бироз уятчанлик билан жавоб берди. Аста-секин унинг кўнглига йўл топа бошладик.

- Исмингиз нима?

- Нақшбанд.

- Ўҳ-ҳў, сизга ким қўйган бу исмни?

- Боболар қўйишган.

- Ҳа, бундай исм қўйилишининг ҳам ўзига хос сабаби бор, - гапга аралашди Гулойим опа. - Ўғлим туғилмасдан олдинроқ Бухорога, Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳига бордик. Ўша кечаси тушимда оппоқ соқолли чоллар қўлимга чақалоқ тутқазишди. Ишонсангиз, ўғлим туғулгунча улар мени тарк этишмади. Сўнг ўғлим дунёга келди, исмини Нақшбанд қўйдим.

Нақшбанд билан анча суҳбатлашиб олдик. Ҳақиқатан ҳам ҳали уч ёшга тўлмаган болакайнинг билагонлиги, катталар ўйланиб қоладиган саволларга аниқ, пухта жавоб бериши кишини ҳайратга соларди. У ҳеч ўйланмасдан ва сира иккиланмасдан 50 га яқин мамлакат бошлиқларининг номларини ёддан айтиб берди.

- Нақшбанд кенжамиз, - дейди Эргаш ака. - Ҳали саккиз ойлигида бурро гапирадиган бўлди. Ҳозир дунёда содир бўлаётган анчагина воқеалардан хабардор.

- Нақшбанд маълумот, хабарларни кимдан ўрганади?

- Ойнаи жаҳондан, - дейди онаси. - Эшитган исмларини, хабарларини эсида аниқ сақлайди.

Унга боқиб, сўроқларимизга жавоб олиб, болакайга бўлган меҳримиз янада ошади. Юртимизга яна муборак ҳислар қайтаётгани, кичкина Нақшбандни руҳлар қўллаётгани, унга халқимизга, Юртбошимизга Яратганнинг ўзи мададкор бўлаётгани рост бўлсин.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

МАҲАЛЛАДА ТЎП ТЕПИЛДИ

«Coca Cola» компаниясини оламга машҳур қилган омиллардан бири шуки, у яхна ичимлик ишлаб чиқариш фаолиятидан ташқари, яна ўн бир турдаги қўшимча хўжаликларни меҳнат билан банд этади. Маҳсулотни етказиб бериш, савдо расталарини ташкил этиш, реклама-ташвиқот, ролик ва билбордлар тайёрлаш ишлари шулар жумласидан. Айлантириб келганда, бу катта механизм биргина «Кола» учун ишлайди. Жаҳонда «катта механизм»ни ҳаракатга келтира оладиган омилларга футбол ҳам киради. Қизиғи шундаки, шу кунларда маҳаллаларда футбол ўйинини жонлантириш, ёшлар орасида унинг оммавийлигини ошириш ҳамда «Пахтакор»дек бир вақтлар довруғли бўлган жамоаларга муносиб ўринбосарлар етказиб бериш тадоригини ўз зиммасига олган республика «Маҳалла» жамғармасининг ғайрат-шижоатини ҳам ўша «катта механизм»га қиёсласа бўлади.

«МАЛИКА» МОБИЛЛАШАДИ

Футбол баҳона ўзимизнинг иқтисодий соҳадаги мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашмоқчи эдик. Бир вақтлар йирик-йирик корхоналар муайян бир маҳсулотни ишлаб чиқариш учун буюртма олиб, узлуксиз равишда шу унсурни тайёрлаб чиқараверарди. Замон ўзгариши, замон билан биргаликда одамларнинг дид ва қизиқишидаги янгиланишлар корхона тайёрлаётган маҳсулотда унчалик кескин акс этмас эди. Бунга ишлаб чиқариш цехларининг бир нусхада фаолият кўрсатишга кўникиб қолганлиги, майда детал ва жиҳозлар учун тез мослаша олмаслиги - соҳа тили билан айтганда, «мобиллаша олмаганлиги» - сабаб бўларди. Йиллар давомида кўпгина футбол жамоалари қаторида «Пахтакор»чиларни ҳам «кийинтириб» келган «Малика» трикотаж фабрикаси ўз маҳсулотлари билан донг таратган эди. Унинг тайёрлаган футболка ва махсус шарфлари жаҳон стадионларида «меҳмон» бўлиб келган. Бугунги кунда фабрика яна футбол ўйинчилари учун либос тайёрлашга чорланди. Бу либослар дизайн жиҳатидан бир-биридан кескин фарқланади, шарфлар безаги ўзгаради.

- Болалар футболини оммавийлаштириш - соғлом авлодни камол топтиришдек муқаддас вазифа экан, болалар футбол либосини тайёрлаш учун мен бутунбошли цехимизни жалб этишга розиман, - деб тан олди «Малика» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Рустам Ғуломов.

Шунингдек, республика «Маҳалла» жамғармаси моҳир ўйинчиларга медаллар таъсис этиш учун «Фонон» корхонаси, эсдалик сувенирлари буюртмаси билан «Совпластитал» қўшма корхонаси, ғолиб жамоаларга топширадиган кубокни тайёрлаб бериш учун «Миконд» бирлашмалари билан шартнома тузган. Бундан ташқари туман, шаҳар биринчилиги ғолибларини тақдирлаш учун яна бошқа ҳомий ташкилотлар билан музокаралар олиб борилаяпти.

ЖАСУР, ИСМИНГДА ҚАНДАЙ МАЪНО БОР?

«Қорасарой» маҳалласи — биринчи гол муаллифи

Шундай қилиб, 17 июн куни «Агрегат» заводи майдонида туман маҳаллаларо 12-14 ёшлилар футбол жамоаларининг биринчи тур ўйинлари бошлаб юборилди. Унда С.Раҳимов туманидаги «Қорасарой» маҳалласи «Мискин» маҳалласи билан, А.Абдуқаюмов маҳалласи «шимолий олмазор»лик болалар билан беллашдилар. Таъкидлаб ўтиш керакки, шу ҳафталарда футбол бўйича Европа чемпионати энг қизғин паллаларга чиқиб, бир қарашда болалар футболини томоша қилишга катталарда рағбат қолмаслиги мумкиндек эди. Билъакс, ўриндиқдаги футбол ишқибозлари маҳаллалар ўйинини ҳам энг катта қизиқиш, олқишлар билан кузатишганига гувоҳ бўлдим. Томошабинлар, ҳатто, ўйин давомида ўз қаҳрамонларини, ёқимтой ўйинчиларини ҳам тезда аниқлаб олишга улгуришди.

Кўп ўтмай «Қорасарой» ҳужумчиси «Мискин» жамоа дарвозасига биринчи голни киритди. Иккинчи таймда ҳисоб тенглашди. Лекин кўп ўтмай, томошабинлар назарига тушиб улгурган биринчи гол муаллифи Жасур рақиблар жамоасини доғда қолдириб, яна гол урди. Ҳисоб 2:1, «Қорасарой» фойдасига.

Футбол беллашувини диққат билан кузатар экан, балки Европадаги чемпионат кайфияти ҳам келиб қўшилдими, ҳайтовур Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси раиси Аъзамжон Гадойбоев:

- Ўзимизнинг болалар барибир чайир, улардан келажакда зўр футболчилар чиқишига бемалол ишонаман. - деб қўйди қувончини яширмай.

Шундай қилиб, ўртага тўп тушди, уни майдон узра суриб, моҳирлигини намойиш этадиган болалар ҳам топилди. Болалар ўртасидаги футбол ўйинлари авж палласига кирди. Фақат битта мулоҳаза - шундай гўзал ўйинларни олқишлаб турадиган томошабинлар майдонга етишмаётгандек. Маҳалла фаоллари, фарзандлари ҳаётига бефарқ қаролмайдиган отаоналар, ака-укалар етишмаяпти майдонларимизда.

Нодир АЛИМОВ,
«Mahalla» мухбири.
Суратлар муаллифи Р. НУРИНБОЕВ.

ИШТАҲАБОП... СУВАРАК?!

Таиландда ўтказилган ғайриодатий таомлар хўрандаларнинг мусобақасида жамоатчилик нуқтаи-назарида ноозиқ саналадиган «таом»ларни тановвул қилишда кимнинг устаси фаранг эканлигини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Бу ғаройиб мусобақанинг деярли барча иштирокчилари шилимшиқ чувалчангларни, жирканч қурт-қумурсқа-ю калтакесакларни тириклигича, «икки ямлаб бир ютиш» бобида ўзларининг фавқулодда санъатлари ҳамда бемисл иштаҳаларини яққол намойиш этиб, томоша аҳлини лол қолдирдилар.

Шунга қарамасдан, бош соврин «майдон эгалари»га тегди. Осиёнинг энг йирик, энг сара суваракларини на қайла ва зираворларсиз қуруқлигича ва тириклигича қисирлатиб-чайнаб, иштаҳа билан паққос туширар чоғида таиландлик ғолиб: «Осиё суваракларн қайласиз ҳам ниҳоятда мазали ва иштаҳабоп!» эканини эътироф этди.

ЎРГИМЧАКДАН ЧЎЧИМАНГ!

Мабодо ана шу узуноёқ ва бадбуруш жониворлар тунда уйингиз бўйлаб бамайлихотир сайр-саёҳат қилиб, ҳаттоки, ширин уйқуда чоғингизда кўрпангизнинг ичига қадар бемалол кириб келиши мумкин, деб ўйласангиз... адашасиз.

Гап шундаки, сизнинг пинакка кетган пайтдаги биргина нафас чиқаришингизнинг ўзиёқ бу шўрликларни ададсиз даҳшатга солар экан. Биз эмас, балки германиялик биолог Петер Йегер шундай деб уқтиради. Умуман олганда, ўргимчаклар марказий иситиш тармоғига уланган хонадонларни, аниқроғи, бундай уйларнинг қуруқ ҳавосини унча хушламайдилар. Худди шунинг учун ҳам, немис олимининг таъкидлашича, бу «ваҳимакаш»лар йилнинг совуқ фаслларида биз билан мажбурий қўшничилик қилсаларда, ёз келиши билан дарҳол тоза ҳаволи кенгликлар сари равона бўлишар экан.

БЎСА БЎЛСИН - ЭВИ БИЛАН БЎЛСИН ЭКАН...

Индонезиянинг Комодо оролига саёҳатга борган офатижон фаранг хоними у ердаги баҳайбат варан(эчкэмар)ларга бениҳоя маҳлиё бўлиб, бу бетакрор махлуқлардан бирини шавқ билан ўпиб қўйди. Комодо аждарлар наслидан деб саналадиган танти махлуқ, афсуски, хонимнинг бундай беозор эркалатишига жавобан, унинг қўлини тишлаб олди.

Маълум бўлишича, бу эчкиэмарларнинг сўлагида бўқа, қўбон, кийик каби йирик ҳайвонларни 2-3 кун ичидаёқ заҳарлаб ўлдириш қувватига эга ўта зарарли бактериялар мавжуд экан. Хайриятки, «ўпағон» хонимнинг ҳаёти қўшни Флорес оролидан чақирилган шифокор кўмагида сақлаб қолинди.

Азамат ТОИРОВ тайёрлади.

● АТРОФИМИЗДАГИ ОДАМЛАР

О, НАВОИЙДАН ЎРГАНИБ ЯШАШ!

Газетамизнинг доимий ўқувчилари билишадики, «Mahalla» газетаси деярли барча сонларида ўзининг «Тарихдан тарақча» номли рукнига содиқ қолиб, мунтазам мақолалавҳалар бериб бораётир.

Ушбу лавҳаларни тайёрлаётган навоийшунос олим, профессор Абдуқодир Ҳайитметов ҳаёти ва ижоди ҳақидаги китоб яқинда нашрдан чиқди. Р.Воҳидов қаламига мансуб ушбу китоб «Навоий қалбила сирлашган инсон» деб номланган.

Даҳо санъаткорлар яратган бойликларни ўлчовчи хазиналар бўлгандай, Алишер Навоий бойликларини ҳам баҳолаш ҳуқуқига эга бўлган зурафолар бўлган, бор. Шундай хирад хозинларидан бири, шаксиз, икки бор Давлат мукофоти совриндори, филология фанлари доктори, профессор Абдуқодир Ҳайитметовдир.

Абдуқодир Ҳайитметов суронли ХХ асрнинг иккинчи чораги бошланишида дунёга келди. Арзимасгина баҳона сабаб Абдуқодир таваллуд топган файзли оила тариқдай сочилди кетди, ота қамалди; буви ва бобо фарзанд доғини, кексалик хўрлигини тотди. Бўлғуси олимнинг онаси икки норасида фарзандини бағрига босиб, «эримни кўрсам, дардига малҳам бўлсам» деган ниятда Тошкентга йўл олди. Тошкент Абдуқодирнинг тақдирида улкан ўрин эгаллади. Бу ерда у ўқиди, изланди, олим бўлди, обрў топди, элнинг азиз фарзандига айланди.

Ўрта Осиё Давлат университетининг шарқшунослик факультетини тугатгач, А.Ҳайитметов навоийшунослик фанининг содиқ ходимлари сафига қўшилди.

Мана, салкам ярим асрдирки, А.Ҳайитметов номи П.Шамсиев, С.Муталлибов, Ҳ.Сулаймон, И.Султон, Воҳид Зоҳидов, Азиз Қаюмов, Абдурашид Абдуғафуров, Суйима Ғаниева, Алибек Рустамов сингари олимлар қаторида ҳурмат билан тилга олинади. А.Ҳайитметов лирика ҳақида Ғарбу Шарқ, ўтмишу ҳозирги адабиётшунослик илмидан ниманики ўқиган бўлса, Навоий лирикасига татбиқ этишга интилади. Бошқача айтганда, олим Навоий лирикаси моҳиятини очадиган калит излайди. Ҳ.Ҳейне, Ҳегель, Л.Толстой, В.Белинский, А.Пушкин асарларини ўқийди, Шарқ мутафаккирлари асарларини мутолаа қилади, форс-тожик адабиёти бўйича тадқиқотларни синчиклаб ўрганади. Излаб-излаб олим шундай хулосага келади: Навоий лирика соҳасида фақат ўзлиги билан машҳурдир. Навоий лирикаси - беназир, теран бойлик. Уни алоҳида тадқиқ қилиш жоиз. А.Ҳайитметов Навоий ижодини ўрганганги сайин ўзи ҳам ўзгариб борди: Навоий руҳи, унинг асарларидаги гўзаллик тадқиқотчи қалбига кириб бора бошлади.

Етмишинчи йилларда Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди кенг миқёсда, жаҳон навоийшунослиги нуқтаи назаридан ўрганила бошланди. Буюк шоир ғазаллари талқин қилинди, у қўллаган сўзлар оҳанги, ранги, мазмун тоши ўрганила бошланди. Шу даврда А.Ҳайитметов «Навоий энциклопедияси»ни тузиш ташаббуси билан чиқди, мазкур хайрли ишнинг долзарблигини муҳокамага қўйди. Асримизнинг сўнгги ўн йиллигида Навоий асарлари Темурийлар даври адабиётининг таркибий қисми; диний дунёвий қарашлар жамулжами сифатида ўрганила бошлади. А.Ҳайитметов бу даврда бир неча китоб, ўнлаб мақолалар, Навоий даҳоси, санъати ярқ этиб кўринадиган лавҳа - кузатувлар яратди. «Навоийхонлик суҳбатлари», «Темурийлар даври ўзбек адабиёти» китоблари завқ билан мутолаа қилина бошланди.

А.Ҳайитметов Навоий ижодини қунт, ихлос билан ўрганди, улуғ шоир ҳаётига оид воқеа-далилларни топди, ёзди. Табиийки, Навоий табиатидаги хусусиятлар тадқиқотчига ҳам кўчди. Адабиётшунос Раҳим Воҳидов Абдуқодир домла ҳаёти ва илмий фаолиятини атрофлича ёритиб берган «Навоий қалбила сирлашган инсон» китобида қаҳрамони ҳақида ёза туриб, шундай дейди: «Абдуқодир домла яхши қариди, кибар довонига тиниқ ўтди... У кишининг феъл-атворидаги барча нуқталарни (ҳатто жиззакилик даражасидаги ўта нозикликни ҳам) Алишер Навоий дошқозонида қайнаб, сайқалланган ва устоз табиатида ўзлашган аломатлар, дегим келади». Инсон Навоийдан ўрганиб яшади. О, бу қандай олий мақом!

Абдуғафур РАСУЛОВ,
Ўзбекистон Миллий университети доценти.

● ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

ДУВР БАНДАРГОҲИДАГИ МАШЪУМ ВОҚЕА

Куни кеча халқаро ҳамжамиятни, айниқса, Европа жамоатчилигини бир воқеа қаттиқ ларзага солди. Нидерландиядан йўлга чиққан автомашина Буюк Британиянинг Дувр бандаргоҳида полициячилар томонидан текширилганида, юкхонасидан 58 нафар қочқиннинг жонсиз жасади топилди. Икки нафар йўловчининг эса ҳали жони узилмаган экан.

Дувр бандаргоҳи шарқий европаликлар, хусусан, албан қочқинлари Буюк Британияга ўтадиган йирик марказ ҳисобланади. Шу боис, аввалига топилган жасадлар албан қочқинларники, деб тахмин қилинганди. Бироқ, кейинроқ маълум бўлишича, машина юкхонасидаги жабрдийдалар хитойликлар экан. Ўлганларнинг 54 нафари эркак ва тўрт нафари эса аёл эди. Улар машина юкхонасидаги ҳаво алмаштиргичнинг ишламаслиги сабабли димиқиб ўлган.

Бундай машъум воқеа биринчи бор юз бераётгани йўқ. Бундан бир неча йил аввал ҳам Шарқий Европа мамлакатларининг бирида ана шундай кўнгилсизлик бўлганди. Ўшанда бир неча ўн киши яхши ҳаёт илинжида Европага яширинача йўл олиб, машина юкхонасида ўлим топган эди.

Кўриниб турибдики, бугунги кунда қочқинлар муаммоси, ноқонуний муҳожирлик аллақачон ҳал этилиши зарур бўлган долзарб халқаро муаммога айланган. Бу ноқонуний муҳожирликни ихтиёр қилган кишилардир. Шу боис, муҳожирликнинг кўпайиш сабабларини фақат халқаро интеграция ҳамда иқтисодий глобаллашувда, десак хато бўлади.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

● ДУНЁ

ЭНГ КЕКСА ИМПЕРАТРИЦАНИНГ ВАФОТИ

Япониянинг собиқ императори Хирохитонинг бева императрицаси Нагако 93 ёшда ўтган жума куни оламдан ўтди.

Эрталаб маҳаллий вақт билан соат еттиларда императрица қон босими кескин пасайиши натижасида ҳушидан кетди. Бундан бир кун аввал эса шифокорлар нафас олиш қийинлашгани туфайли кислород ниқобдан фойдаланишни тавсия қилишган эди.

Зоти олияларининг вафоти ҳақида миллий телевидение ва радио орқали намойиш этилган матбуот конференцияси давомида эълон қилинди. Шунингдек, телевидение орқали Токиодаги император саройининг медицина хоналарига Нагаконинг тўнғич ўғли император Акихито, императрица Митико, шаҳзода Нарухито ва бошқа яқинлар ташриф буюришгани ҳам кўрсатилди.

Нагако Хирохитога 1924 йилда турмушга чиққан эди. Улар етти фарзанд кўришди. Хирохито 1926 йилда тахтга ўтирган, Осиёда босқинчилик урушларини бошлаган, Иккинчи жаҳон урушида енгилган ва мамлакатнинг қайтадан қад ростлаб, гуллаб-яшнашига ҳисса қўшган. Япония унинг ҳукмронлик даврида энг бой давлатлардан бирига айланган. Хирохито 1989 йил 7 январда вафот этган. 1995 йилда 92 ёшга тўлган Нагако Япония тарихида энг кекса бева императрицага айланган. Унгача бу борада энг кўп умр кўриш 1127 йилда вафот этган императрица Кансига насиб этган эди.

Сўнгги йиллар мобайнида Нагако омма ҳузурида деярли кўринмас эди. Расмий маросимда эса у сўнгги бор 1987 йилнинг 29 апрелида - турмуш ўртоғи Хирохито туғилганига 86 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган тадбирда иштирок этган эди. Энди у турмуш ўртоғининг ортидан боқийликка равона бўлди.

Ўз мухбиримиз.

● ЕВРО - 2000

КУТИЛМАГАН НАТИЖАЛАР, КУТИЛМАГАН ҲОЛАТЛАР

Ўйинлардан бирида ҳатто ҳакам жароҳат олиб, майдонни тарк этди.

Саво Милошевич галдаги тўпини киритди

Футбол бўйича Европа чемпионати гуруҳларидаги учрашувларнинг иккинчи туридаёқ чорак финалга йўлланмани қўлга киритган дастлабки жамоалар маълум бўлиб қолди. Аввалига Италия терма командаси Бельгия устидан ғалаба қозониб, гуруҳда биринчи ўринни нақд қилиб қўйган бўлса, кейинчалик Франция ва Голландия терма жамоалари ҳам ўз гуруҳларидаги қолган икки жамоага ҳеч қандай имконият қолдиришмади. Португалияликлар учрашувнинг сўнгги сонияларида руминлар дарвозасини ишғол қилгач, чорак финалчилар сафини тўлдиришди.

Югославиялик Матей Кежман майдондан четлатилмоқда

Гуруҳлардаги учрашувларнинг сўнгги тури эса ишқибозларнинг эътиборини мезбонлар муваффақиятсизлиги билан ўзига жалб этди. Туркия терма командаси билан учрашувда Бельгия командаси дуранг ўйнаганда ҳам чорак финалга йўлланмани қўлга киритарди. Аммо... турклар тўпурари Ҳоқон Шукур майдон эгалари дарвозасини ҳар таймда бир маротабадан ишғол қилгандан ташқари меҳмонлар бельгиялик дарвозабон де Вильде ҳакам томонидан майдондан четлатилишига ҳам сабабчи бўлишди. Меҳмонлар ҳужумчиси Ориф дарвозабон билан яккама-якка чиққач, қўполлик билан тўхтатилгани боис ҳакам қизил карточка кўрсатишга мажбур бўлди. Дарвоқе, ушбу учрашувда футболда камдан-кам рўй берадиган ҳодиса ҳам қайд этилди - бош ҳакам Ким Мильтон Нильсон жароҳат олгани туфайли учрашувни биринчи таймнинг иккинчи ярмида заҳирадаги ҳакам Гюнтер Бенке бошқарди. Яна бир учрашувда эса италияликлар Швеция терма командасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, 100 фоизлик натижага эришишди. Дино Дзофф шогирдлари олтин медалларга даъвогарлардан бири экани яна бир бор эътироф этилди.

Италия терма командаси аъзоси Конте бельгияликлар дарвозасига тўп ургандан сўнг

«Арсенал» (Лондон) клуби бош мураббийси тажрибали Арсен Венгер эса жаҳон чемпиони Франция терма командаси ушбу мусобақа ғолиби бўлиши ҳақиқатга яқинроқ эканини айтмоқда. Қани кўрайлик-чи, ким охир оқибатда ҳақ бўлиб чиқаркан. Сиз нима дейсиз, азиз маҳалладош?

Тўпурарлар баҳсида югослав Саво Милошевич ва словен Златко Захович пешқадамликни қўлга олишди. Уларнинг ҳар бири ҳисобида иккинчи турдан кейин учтадан гол бор. Мусобақалар давом этмоқда.

Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ.

Англиялик ҳужумчилар Алан Ширер ва Майкл Оуэн

ТИРАНЧИЛАР ТАҚВИМИ

ҲАФТАНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА

Қўй (21.03-21.04). Пайшанба кунларида айрим масалаларда муаммоларга дуч келишингиз мумкин. Дам олиш кунларида яхшилаб ҳордиқ чиқаринг.

Бузоқ (22.04-20.05). Ҳафта сиз учун хайрли келади. Пайшанбада яхши хабарлар эшитасиз. Жума куни соғлиғингиз хусусида ўйлаб кўринг.

Эгизаклар (22.05-21.06). Ҳафта бошида моддий рағбатланганингиз боис бугун ёқимли харидлар қиласиз. Дам олиш кунларида турли воқеаларга дуч келасиз.

Қисқичбақа (22.06-22.07). Ҳафта боши бироз ноқулай келгани учун ҳафтанинг иккинчи ярмида кайфиятингиз яхшиланади. Кўнгилга ёқимли харидлар қиласиз ва бизнесингизни жонлантирасиз.

Арслон (23.07-22.08). Ҳафта мобайнида кайфиятингизни бузишдан эҳтиёт бўлинг. Жума куни бунга алоҳида эътибор беринг. Ҳафта ўрталарида молиявий аҳволингиз яхшиланади. Дам олиш кунларини оила даврасида ўтказинг.

Паризод (23.08-22.09). Ҳафтанинг ярмида айрим мураккабликларга дуч келишингиз мумкин. Ҳафтанинг иккинчи ярмида ҳаммаси сизнинг фойдангизга ўзгаради. Бизнес соҳасидаги ишларингизда сезиларли юксалиш рўй беради.

Тарози (23.09-22.10). Ҳафта сизга кўпроқ романтик кайфият бағишлайди. Иложи борича табиат бағрида бўлишга, яқин кишиларингизни қувонтиришга ҳаракат қилинг. Шу билан бирга ўзингизни ҳам унутманг. Бугун амалий битимлар тузиш мақсадга мувофиқ.

Чаён (23.10-22.11). Шанба кунидаги айрим муаммоларни ҳисобга олмаганда, ҳаммаси жойида бўлади. Ҳафта ўрталарида бунинг натижаси унумли бўлади ва сиз мукофотга сазовор бўласиз.

Ўқотар (23.11-21.12). Жума куни яхши муждалар тинглайсиз. Дам олиш кунларини ҳордиқ чиқаришга бағишланг.

Тоғ эчкиси (22.12-19.01). Ҳафта бизнес соҳасидаги ишларни амалга ошириш учун қулай. Дам олиш кунларида иш хусусида ўйламанг.

Қовға (20.01-18.02). Ҳафта сизга омад келтириши мумкин. Бизнес ва молиявий соҳадаги ишларни хамирдан қил суғургандай бажаришингиз мумкин. Хуллас, бу ҳафта анчадан буён дилингизга тукканн мақсадларни рўёбга чиқариш учун жуда қулай.

Балиқ (19.02-20.03). Ҳафта бошида ишларингиз бироз суст бўлди. Бугундан бари яхши бўлади. Пайшанба ва жума кунларида келадиган омадни қўлдан чиқарманг.

● ЯХШИЛАР ГУЛШАНИ

Фозил қори Ёсин ўғли СОБИРОВ

18. МЕҲРИНГНИ АЯМА, МЕҲР КЎРАСАН

Бир ибратли ривоят бор. Абулайз Самарқандийнинг «Танбеҳ ул ғофилин» китобида айтиладики, хуросонлик бир йигит Маккага келиб қолади, Ҳаж фарзини бажаради. У ерда ибодатлар қилади.

«Масжиди Харом»да ва бошқа кўп Оллоҳнинг ибодатхоналарида намозлар ўқийди. Обизамзам сувларига қониб, Арофат Бадаи тоғларида Яратганга илтижолар, истиғфорлар қилади. Шундай бир улуғ жойлар эканини кўриб, «энди мен шу ерда қолиб, ибодатда мукаммал бўлайин. Шу ерда бола-чақа орттирай. Шунда шояд Оллоҳнинг марҳаматига эришсам, гуноҳлардан фориғ қилса», - деган хаёллар билан Маккада истиқомат қилиб қолади. Хуросонлик йигит вақт ўтиши билан ҳалоллиги, поклиги, ибодатга беназир бўлганлиги сабаб катта обрў орттиради. Ҳалоллигидан «Омонатли Хуросонлик» деган номни олади. Маккадагиларнинг кўплари сафарга кетаётганларида шу йигитга омонатларини ишониб қолдириб кетар эканлар. Келганларидан кейин дуолар қилиб, қайтариб олар эканлар. Йиллар ўтибди. Бир одам хуросонлик йигитга омонатини топшириб, ўзи Шом юртига тижорат сафарига кетибди. Икки йил деганда ҳалиги одам келиб қарасаки, хуросонлик йигит оламдан ўтибди. Уйидагилар омонатдан бехабар эканлар. Омонат топширган одам ҳайрон бўлиб, Ислом уламоларининг олдига бориб, маслаҳат сўрабди. «Мана шу одамга беш минг динор олтин танга омонат қолдирган эдим. Икки йилда қайтиб келсам, дунёдан ўтибдилар. Энди нима қилайин?» деб сўрабди. Уламолар ўйлаб туриб, ўзи қандай одам эди, омонатингни қолдирган хуросонлик йигит? деб сўрашибди. «Жуда ҳам ҳалол, ибодатда мукаммал, омонатга хиёнат қилмайдиган одам эди», - дебди ҳалиги омонат берган одам. Уламолар шундай маслаҳат берибдилар.

«Сиз обизамзам қудуғи ёнида уч кун намоз ўқиб, ибодат қиласиз, сўнгра ярим тунда шу қудуққа энгашиб, ҳалиги одамнинг исмини айтиб чақирасиз. Жаннатийларнинг овози ўша ердан келади. Шунда омонатингизнинг қаерда эканини билиб оласиз».

Омонат қўйган одам ҳалиги уламоларнинг айтганларидек қилибди. Учинчи куни ярим кечада қудуққа энгашиб, хуросанлик йигитни чақирибди. Овоз келмабди. Ҳафсаласи пир бўлган омонатнинг эгаси яна уламолар ҳузурига келиб, «Уч кун чақирдим, сира овоз келмади, энди нима қилайин?» деб яна маслаҳат сўрабди. «Нима бўлдийкин, нега овоз келмади, ниҳоятда яхши одам эди-ку?» деб ҳаммалари хафа бўлишибди. Кейин уламолар айтишибди.

- Энди сиз Саҳрои Кабирнинг қоқ ўртасидаги ғорнинг оғзига борасиз. Хуросонлик кишининг отини айтиб чақирасиз. Дўзахийларнинг овозлари шу ғордан келади. Шу йўл билан омонатингизнинг қаерда эканини билиб олсангиз ажабмас...

Омонат топширган киши не азоблар билан Саҳрои Кабирнинг ўртасига борибди, айтилган ғорнинг оғзида уч кечаю, уч кундуз ибодат қилибди. Намоз ўқибди. Сўнг учинчи куни йигитни чақирибди. Ғорнинг ичидан «лаббай» деган овоз келибди. Омонат эгаси ҳали тиллалари ҳақида гапирмасдан шу ғор ичидан яна овоз келибди: «Эй биродар, менга қолдирган омонатингиз менинг ҳовлимда, ҳурмо дарахти тагидаги тош остида кўмиб қўйилган. Ўғилларимга айтсангиз олиб беришади». Омонат эгаси ҳангманг бўлиб қолибди. Кўзида ёш билан бу одамнинг ҳалоллигига қарамасдан аҳли дўзахлар маконига тушиб қолганидан иztироб чекиб, сўрабди:

- Эй, хуросонлик биродар, омонатим қаердалигини билдим. Лекин сиз айтингчи, нега бу ерда, дўзахийлар қаторидасиз? Энг ҳалол, покиза инсон эдингиз-ку?» деб сўрабди. Шунда ҳалиги ғордан яна хуросонлик одамнинг овози келибди. «Мен Макка улуғ жой экан, деб ота-онам, қариндош-уруғларимдан хабар олишни унутибман. Қариндош-уруғ, ака-укаларим билан иттифоқда яшаш, улар билан борди-келди қилиш нималигини билмабман. Мана шулар ҳам Оллоҳнинг розилигига боғлиқ эканини билмабман. Шунча йил Маккада яшаб бирор марта уйимга бормаганим, ота-онамга хизмат қилмаганим, ака-укаларим, сингилларим ҳолидан хабар олмаганим учун Оллоҳ менинг бирорта ибодатимни қабул этмади. Сарвари Олам огоҳлантирганларидек уруғларимга меҳру оқибат кўрсатмаганим учун Оллоҳ мени аҳли жаннатийлар эмас, аҳли дўзахийлар қаторига қўйди», - деган надоматли овоз келибди ғордан ва бироз вақтдан кейин жимиб қолибди.

Мусо алайҳиссалом, Тур тоғида Оллоҳ билан сўзлашгани келиб, Яратган Эгамдан сўраган эканлар, «Эй, Оллоҳим, ота-онасининг ризосини олган бандаларингга қандай мукофотлар бор?»

«Икки дунёсини азизу мукаррам қиламан», - деб жавоб берибди Оллоҳ.

- Ё, Раббим, қариндош-уруғларини ризо қилганларга нима мукофотинг бор? - деб яна сўрабдилар Мусо Пайғамбар.

«Умрини узоқ қилиб, иқболини кенг қиламан» - дебди Оллоҳ.

- Эй, Оллоҳим, қариндош-уруғларидан алоқаларини узиб қўйган бандаларингга қандай ажримларинг бор? - яна сўрабдилар Мусо алайҳиссалом.

«Ундайларнинг умри, ризқи кам бўлади», - деган экан Яратган Эгам.

Маълумки, ота-она оламдан ўтганларидан кейин, бевосита амаки, тоға, амма, жигарлар оилага бош бўлади. Ҳар бир ишни бошлаётганда ота-онадан қандай рухсат олинса, маслаҳат сўралса улардан ҳам ота-онадан кейин шундай маслаҳат олиб, рухсат сўрайсиз. Ота-онадан фотиҳа олмай қилинган ишлар қанчалар юришмаса, тубанлашиб бораверса, қариндош-уруғлардан, катталардан маслаҳат олинмай, фотиҳа, дуо олинмай қилинган иш ҳам худди шундай чиройли чиқмайди.

Катталар, у қандай қариндош-уруғ бўлмасин, бола тарбиясида собит бўлиши керак. Ёш ота-онанинг вақтлари бўлмай қолган пайтларда, бўш бўлган қарияларимиз жигарларининг фарзандларига тарбия бериши керак.

Ота-буваларимиз сахий, меҳрли, оқибатли бўлиб ўтишган. Демак, саховатлар, савоб амаллар бизнинг қонимизда бор. Иншооллоҳ бу яхши хусусият ва аъмолларимиз қайта тикланмоқда. Бир яхши нарсани акага беришлик, қўшнига илинишлик, «бошқалар ҳам барҳаманд бўлсин», - дейишлик, бу - мусулмончиликнинг энг ширин жойи. Бунинг усуллари кўп. Бунинг учун қалб тоза бўлишлиги керак. Қалбларда ишонч, меҳр, оқибат бўлиши керак...

Оллоҳдан сўраймиз, маънавиятимиз бут бўлсин. Ота-буваларимизнинг қадриятлари, меҳру мурувватлари, ҳотамтойликлари, оқибатлари яна авлодларимизга насиб этсин.

ТАДБИР

ҲАРАКАТДА ХАВФСИЗ БЎЛ

Республикамиздаги барча мактабларда сўнгги қўнғироқлар янграб, болажонлар ёзги таътилга йўл олишганига ҳам анча бўлди. Уларнинг ёзги дам олиш таътилларини тинч ва осойишта ўтказиш барча қатори йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Тошкент шаҳар йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати бошқармаси ходимлари маҳалла фаоллари билан биргаликда шу мақсадда йиғилиш ўтказишди. Йиғилишни шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғининг муовини милиция подполковниги З.Бобокалонов очди. Унда сўзга чиққан Ички ишлар бош бошқармаси ЙҲХХ бошлиғи милиция полковниги Р.Даминов, шаҳар «Маҳалла» жамғармаси раиси А.Гадойбоев ва бошқа бир қатор ЙҲХХ ходимлари ҳам болажонларнинг ёзги таътилларини тинч ва осойишта ўтказиш борасидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Йиғилиш қатнашчиларига йўл патрули хизмати, ўтказилган рейдлар, йўл-транспорти ҳодисалари ва фожеаларнинг олдини олишга доир видеофильмлар намойиш қилинди. Шунингдек, йиғилиш сўнггида маҳалла аҳлига ўз маҳалларида юксак масъулиятни ҳис этган ҳолда иш олиб бориш ва кун тартибидаги масала юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш уқтириб ўтилди.

Нилуфар ДЎСТБОБОЕВА,
Яккасарой туманидаги миллий лицей-интернати ўқувчиси.

ТАҚДИР ВА ТАҚОЗО

● МУЛОҲАЗА

«БИЛИМДОН ЙИГИТГА ТУРМУШГА ЧИҚИШНИ ХОҲЛАЙМАН»

Наҳотки бу менинг бахтсизлигим бўлса...

Қиз ниманидир очиқ айтолмас, илк бор учрашиб турганимиз учунми, мендан қаттиқ истиҳола қилаётгандек эди.
- Ота-онангиздан нега норози бўлаяпсиз? Улар сизни узатишмоқчими? - дедим.
Дабдурустдан бу саволни берганим қизга сал малол келди. Кўзларига маъюслик чўкди. (Балоғат ёшидаги қизлар кўнгли нақадар нозик бўлишини унутибман!) Узримни билдирмоқ бўлиб, овозимга дўстона тус бердим:
- Қани, ҳаммасини бир бошдан айтиб берингчи?

Шу гапим унга маъқул келди.

- Дадам савдо кишиси. Ойим бир пайтлар мактаб кутубхонасида ишларди. Кейинчалик ишдан бўшаб, дадамнинг ёнига ўтиб, савдо-сотиқ қиладиган бўлди. Иккови ҳам нуқул: «Пули кўп одам илми кўп одамдан кўра дурустроқ яшайди!» деганлари-деган. Биз оилада уч қиз, учовимизнинг ҳам феъли атворимиз бошқа-бошқа. Назокат опам бундан беш йилча аввал бадавлат хонадонга узатилган, данғиллама уйи, иккита машиналари бор. Дадамнинг ҳам, ойимнинг ҳам шу опамдан кўнгиллари тўқ. Сабоҳат опам эса дадамнинг тижоратчи шогирдларидан бири совчи қўйганида, тегмади. Кейин эшитсак, қўшни маҳалладаги бир аспирант йигитни яхши кўраркан. Дадам аввалига қарши чиқди, лекин опамнинг ўжар феълидан чўчибми, ҳартугул рози бўлди.

Ҳамма гап шу опамнинг тўйидан сўнг бошланди. Поччамнинг илмий иши чўзилгандан чўзилар, опам келинлик сарполарини бирма-бир сотиб, унга «кўмак» берарди. Шу орада кетма-кет фарзанд кўришиб, рўзғорда анча қийналиб қолишди. Дадам эса кундан-кун хуноб бўлар, «Шу қизим биз айтган одамга тегмасдан, бошига кулфатни сотиб олди-да!» дерди. Опам бир куни ойимга «Менинг оғирлигим сизларга тушмасин. Куёвингиз ўша бойваччаларингиздан анча баланд туради!» деди.

Ўтган йили укамни уйлантирдик. Тўйнинг бошида турган «бойвачча» поччам укамга яп-янги машинасини совға қилди. Никоҳ кунидачи? ЗАГСдан кейинги «жанрат» зиёфат, турнақатор «Лимузин»лар, ҳар қадамда видео, ресторанда минг киши учун ясатилган стол... Гўёки поччам ўз бойликларини шу тўй орқали намойиш қилаётгандек эди! Тўй куни аспирант поччам «Тавба-ей, бунча дабдабанинг кимга кераги бор?» дедию нақ балога қолди. Қариндошларимиз бу гапни эшитиб қолиб, «Ўзи дурустроқ тўёна қилолмагани оздай, тағин ақл ўргатишини қаранглар!» деб бир-бирига кўз қисишди. Шунда мен жудаям хафа бўлиб кетдим. Биласизми, очиғини айтсам, шу поччамникига борсам, роса яйрайман. Уйлари ортиқча ҳашамсиз, шинам, ораста. Китоблари бирам кўпки... Бир куни борсам, опам тиззасида бир китоб, хун бўлиб йиғлаяптилар. «Поччам билан урушдингизми?» дебман шоша-пиша. Шунда у «Манави китоб таъсирли экан» деб жилмайди.

Поччамни маҳалладагилар «Мулла йигит» деб чақиришади. Ўзиям хўб доно, билмаган нарсалари йўқ. Уларнинг турмушига ҳавас қиламан. «Бойвачча» опамникига борганимда эса негадир зерикавераман. Уйлари худди музейга ўхшайди. Қаёққа қараманг, ялт-юлт. Жиянларим бўлса эртаю кеч видеонинг ёнидан жилмайди, ўқишга ҳушлари йўқ. Опам мактаб муаллималарига «совға» ташиш билан овора.

Бир куни борсам шу опам дув-дув кўз ёш тўкиб ўтирибди. «Нима бўлди, тинчликми?» деб сўрадим жон ҳолатда. «Э, сўрама, кеча жиянчанг уй ичида копток тепиб, анави «Мадонна»ни синдирди, - деди. - Биласанми, унинг нархи ҳозир қанча туради?!» Енгил тортдим. Ҳартугул шунга шунчами, ахир! Жиянимни ахтардим. Кўринмади. Суриштирсам, уни эрталабданоқ ҳаммомга қамаб қўйишган экан! Агар уни «Мадонна»ни синдиргани учун эмас, мактабдан ёмон баҳо олиб келгани учун қамаб қўйишганида борми, асло ҳафа бўлмасдим.

Ўзим ҳақимда гапирай. Мактабни имтиёзли битирганман. Лекин, биринчи йили ўқишга киролмадим. Кейинги йилда дадам юбормадилар. «Қиз боланинг ўқиши шарт эмас, рўзғорни эпласа бўлди-да!» дедилар. Ойимнинг фикру хаёли эса мени бадавлат хонадонга узатиш! «Кичик опангга ўхшаб бахтсиз бўлиб қолмагин» дейдилар. (Аслида шу опамнинг қанчалик бахтли турмуш кечиришини фақат менгина ҳис этаман). Мен опаларимдан бошқачароқ ўсдим, ота-онамга бирор марта тик қараб, сўзларини қайтармаганман. Шу журъатсизлигимдан гоҳо ўкинаман. Ҳеч бўлмаганда «Менга бойликнинг кераги йўқ! Ўқишни истайман!» деёлмайман уларга.

«Фарзандларимиз пул топишнинг йўлларини билишса бас, яшаб кетаверади!» деган фикр-ўй кўпчилик ота-оналарнинг онгига сингиб кетган. Пайғамбаримиз ўгитларида эса шундай дейилади: «Бу дунёнинг роҳатини сураман десанг, тижорат қил. У дунёда роҳат кўраман десанг, ибодат қил. Агар икки дунё саодатига эришаман десанг илм эгалла!»

Ушбу мулоҳазаларни суҳбатдошимнинг оила аъзолари ҳам ўқишларини жуда истардим. Кейин... Кейин эса яна фикрлашамиз.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

● КУЙГАН ДИЛ ИЗТИРОБИ

Мен унинг маъсум чеҳрасидаги изтироб изларини, кўзларидаги мунгни кўриб раҳмим келди. У мендан ёрдам истаб келмаганлигини ҳам тушундим. У сокин овозда «Опажон, менга ўхшаб ҳеч ким ҳаётда адашмасин, шунинг учун сизнинг олдингизга келдим» дея дилидаги сирлар сандиғини очди...

«ОРЗУИМ ГУНОҲИММИДИ?»

«Ўрта мактабда яхши ўқидим. Санъатга меҳрим баланд эди. Қўшиқ куйлардим. Кўзга яқингина эдим, бунинг устига қўшиқ айтишим... Хуллас, мактабни тамомлаб олий ўқув юртига бордим. Ўтолмадим. Маданият уйида ишлай бошладим.

Биласиз, қўшиқ айтган, рақсга тушган қизлар ҳақида ҳар хил гаплар тез тарқалади. Шунинг учун ҳеч тўйга чиқмасдим. Бир куни бошлиғимиз чақириб бугун бир жойда концерт қўйишимиз керак, ҳаммаси катта-катта одамлар, бормасак бўлмайди, дедилар.

Катта боғ ичидаги сўрида 10 дан зиёд меҳмонлар ўтирибди. Навбат менга келганда ширакайф, еб қўйгудек тикилган кўзларга қараб эмас, дарахтларнинг майин елда хилпираётган япроқларига тикилганча куйлай бошладим. Меҳмонлар такрор-такрор сўрашарди. Мен эса тўлиб-тошиб, беғубор овозда куйлардим.

Концерт тугагач, ҳаммамиз машина томон юрдик. Шу пайт раҳбаримиз Тўлқин ака секингина «сизни бир дақиқага сўрашаяптилар», дедилар.

- Яхши қўшиқ айтар экансиз. Шеърлари ўзингизники дейишади. Одамнинг юрагига етиб борадиган сўзлар, - деди мени сўраттан одам.

- Менда қандай гапингиз бор, айтинг, йигитлар кетиб қолишмасин.

- Улар аллақачон кетиб бўлишган. Сиз билан икки оғиз дилдан суҳбат қуриш учун олиб қолдим...

Кечқурун уйга бир аҳволда кириб бордим. Йиглаб-йиғлаб ётиб қолдим. Дадамгаям, опамгаям «касалман» дедим. Ҳеч кимни кўришни истамасдим. Била туриб мени ўтга қўйиб кетган раҳбарим ҳам, уни бу ерда қолдирмаслик керак демаган йигитларимизни ҳам кечиролмасдим. Уларни кўришга кўзим йўқ эди. Шу алфозда бир ой чўзилиб ётдим. Раҳбаримиз икки марта чақиртирди, бормадим. Ўзининг келишга бети йўқ, чунки мен учун катта пул олганлигини ўша одамдан эшитгандим.

Кейин мактаб мусиқа тўгараги раҳбари бўлиб ишга кирдим.

Умуман қўшиқ айтмай қўйдим. Агар қўшиқчига, санъаткорга муносабат шу бўладиган бўлса, айтмай ҳам қўяй. Мен сизнинг олдингизга ўзим учун эмас, эндигина санъат даргоҳига кириб келаётган сингилларимни огоҳ бўлсин, деб келдим. Пана жойларда оч бўридай ейишга тайёр турган, қора қузғундай бошингизда чарх урган кимсалардан эҳтиёт бўлинг, дейиш учун келдим. Ишонувчан бўлманг. Бир гуруҳ бойваччаларга эмас, халққа хизмат қилинг, демоқчиман...Мен эса гулдай санъатимдан ана шундай одамлар борлиги учун воз кечдим.

У. кетди. Лекин назаримда ғам ҳасратларидан сизу бизни огоҳ этиб кетди. Биргина ўзининг дардларини эмас, куйган не-не кўнгилларнинг изтиробларини кўзида ёш, қалбида битмас алам билан ҳўрсиниб-ҳўрсиниб айтиб кетди.

Ҳафиза ЎСАРОВА.

Чечаги ўзингсан
хазонсиз боғимнинг,

Безаги ўзингсан
суянган тоғингнинг.

Сенинг кулгуларинг
қалбим қувончи,

Ўзинг тимсолисан
хушнуд чоғимнинг.



● ЎЗИНГИЗНИ БИЛИНГ

БОШ АЪЗОЛАРИ СИЗНИНГ КИМЛИГИНГИЗНИ БИЛДИРАДИ

Бир пайтлар Арасту шогирди Искандар Зулқарнайнга одамнинг ташқи қиёфасига қараб унинг ички руҳий ҳолатини фараз қилиш ҳақидаги ўгитларини айтиб қолдирган экан. Шу ўгитлардан айримлари бизгача етиб келган. Бу сиз учун ҳам қизиқ, албатта.

Кўзнинг ранги ферузага ўхшаш мовий ё зангори бўлса, у ёмон кўздир. Кимнинг кўзи катта ва шокосасидан чиққан бўлса, билингки, у бахил, шарму ҳаёсиз ҳамда риёкор. Кўзи аланг-жаланг бўлиб, ўйнаб турган киши алдамчи, айёр ва маккордир.

Соч қаттиқ бўлса ақл-ирода кучлилигидан нишона. Майин соч юмшоқ кўнгиллик, қўрқоқлик аломати. Буйин ва елкада соч мўйларининг кўп бўлиши ҳайвоний белгилардан саналади, бундай одам унча ақлли эмас. Юрак усти ва қоринда жуннинг кўплиги ёмон хулқ-атворга ишора, бу нарса ёлғон-яшиқни хуш кўрувчиларда учрайди.

Оғиз кенг бўлса юрак бақувватлиги ва иштаҳа карнайлиги, яъни овқатга ўчлик белгиси. Лаблар қалинлиги эса қаҳр-ғазаб ва тентакликни билдиради.

Тиш туртиб чиққан ва зич бўлса кучли ирода ва айёрликка ишора. Бундай кишилар бевафо ҳам бўлишади. Текис ва сийрак тишлар донолик ҳамда вафодорлик нишонаси.

Қулоқлари катта киши дағал ва калтафаҳмдир. Агар қулоқ супраси кичик бўлса, бундай кишилар бировларнинг нарсасини ёқтирадилар.

Бўйиннинг узун ва ингичка бўлиши енгилтаклик белгисидир. Бунинг устига бошиям кичик бўлса унда тамоман ёмон. Бўйиннинг ўйғон бўлмоқлиги ичкиликбоз ва калтабинликка ишора.

Қорин катталиги калтафаҳмлик, кичиклиги эса сахийликдан нишона.

Шамшиддин МОЛДОБАЕВ тайёрлади.

Эълон Эълон

100 фоиз сифатли кафолат!
Оздиришнинг самарали дастури
Сизга қуйидагича ёрдам беради:
- Бир ойда 3 кг дан 12 кг гача терингиз осилмаган ҳолда озасиз;
- Қориндорликдан халос бўласиз;
- Танангиз ортиқча ёғдан халос бўлади;
- Терингиз ҳолатини яхшилайсиз.
Дарвоқе, бизнинг дастурда парҳез сақлаш шарт эмас.
Хизматларимиз арзон эмас.
Телефон: 8 371-1808424
8 3712-633955

Эълон Эълон

Акмал Икромов тумани Усмон Юсупов номли маҳаллага тегишли
ОКПО — 17092242
ИНН — 202914176
рақамли код варақаси йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади

● ВОҚЕАЛАР ТАРИХ ҲАҚИҚАТИ КЎЗГУСИДА

АМЕРИКАЛИКЛАР РОСТДАН ҲАМ ОЙДА БЎЛИШГАНМИ?

Бундан деярли ўттиз йил муқаддам, дея ёзади Франциянинг «Иси Пари» журнали, бутун олам биринчи бўлиб Ойга қадам қўйган америкалик фазогирларнинг жасоратига маҳлиё бўлди.

Бутун дунё аҳолиси нафас ютмай, телеэкрандан кўз узмай космонавтларнинг Ойга яқинлашиш лаҳзаларини кутдилар. Орадан бир неча кун ўтиб эса инсоният «Аполлон» аъзоларини Ернинг ҳақиқий йўлдоши тепасига чиқиши ҳақидаги фоторепортажни ўта ҳаяжон билан томоша қилдилар. Аммо бугун, деб ёзади «Иси Пари» Ойдан олинган бу фоторепортажнинг ҳақиқийлиги шубҳали туюлмоқда. Кўплаб мутахассисларнинг фикрича, бу фотолавҳа Ойдан олинган бўлмай, балки, усталик билан тайёрланган монтажга ўхшамоқда.

Журналнинг таъкидлашича, агар Ойга учиш лойиҳасининг 25 миллиард долларга тушганлигини, унга 410 минг мутахассис жалб этилганлигини инобатга олсак, бу ғаройиб ҳайратланарли жумбоқдир. Ҳозирча бу кўрсатилган телекадрлар ва фотосуратлар Ойда эмас, Ерда, студияларда олинган деган хулосага келишга асослар ҳам бор.

Жумладан, фазогир Нейл Армстронгнинг Ой тепа қисмида қолган изи сурати ҳақиқийлиги айниқса шубҳалидир. Гап шундаки, суратдаги из жуда мукаммал, жуда чуқур ботган ва ҳеч бузилмаган. Нега чанг-тўзон бу изга таъсир қилмади? Нега бу из бунча чуқур ботган? Ахир одамнинг тана оғирлиги Ойда Ердагига нисбатан олти марта енгил бўладику?! Мутахассисларнинг тасдиқлашича, бундай чуқур из фақат лойдагина қолиши мумкин. Ойда эса лой ҳосил бўлиши учун сув йўқ. Яна бир ҳолат тушунарсиз: нега Армстронгни қуёшга қарши қўйиб суратга олишди? Агар у қуёшга қаратиб олинганда унинг юзи янада ёрқинроқ чиқиши лозим эди. Ҳолбуки, Астранавтларда «вспишка» йўқ эди. Нега космонавтга нисбатан космонавт турган жой - Ой манзаралари қоронроқ чиққан? Бу ўринда баъзи суратларда негадир астронавт фигураси ортидан Ой манзаралари эмас, кўпроқ унинг скафандри акс этганлиги сири ҳам маълум бўлгандек туюлади. Суратда скафандр шлемида икки томонга йўналган соялар ҳам яхши кўриниб турибди. Ахир минус 150 даражадан плюс 130 даражагача ўзгарувчан об-ҳаво шароитида, яна қуёш радиацияси таъсирида ҳеч бир ҳимоя воситасига эга бўлмаган камера билан тасвирга олиниши ҳам ҳақиқатдан ғайриоқ.

Агар Нейл Армстронгнинг бетиним излари шунга ботган экан, дея ҳайрат билан ёзади яна «Иси Пари», уни олиб чиққан ой кемасининг излари қани? Улар биронта тасвирда ҳам акс этмаган. Шунингдек, космонавтни Ой юзига тушишига ҳизмат қилган модулнинг изи йўқ. Маълумотларга кўра, бу модул двигатели чанг-тўзон кўтаради, унда ботинка изини чанг-тўзон қоплаб қолиши керак эди.

«Шундай қилиб, америкаликлар Ойни забт этишганми, йўқми?» дея савол қўяди «Иси Пари» журнали ўз мулоҳазалари охирида. Агар «Ҳа», дея жавоб оладиган бўлсак, усталик билан монтаж қилинган фото ва телекадрлар нега зарур бўлди? Ҳар ҳолда Ойдаги ҳақиқий вазиятни яшириш учун бўлмаса керак?! Яна шунисси қизикки, бу лавҳаларнинг сохталиги ҳақидаги гумонларнинг пайдо бўлганига кўп вақт бўлган бўлсада, Америка айрокосмосининг хизмат вакиллари бунга ҳеч қандай муносабат билдиришаётганлари йўқ. Нега? Наҳотки, бу хизмат раҳбарлари яна нималарнидир сир сақлашмоқда?! Ҳар ҳолда Ойга илк учиш воқеалари қоронгулигича қолмоқда.

«Труд» мухбири Никита ЩЕВЦОВ мақоласи (2000 йил 10 июнь сони) асосида тайёрланди.

Мусаввир танқиди





Хусан СОДИҚОВ чизган расмлар

MAHALLA га
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" ҳайрия жамғармасининг нашри
обуна бўлиш учун ҳеч қачон кеч бўлмайди.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" ҳайрия жамғармасининг нашри
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Шухрат ЖАЛИЛОВ
Иброҳим РАҲИМ
Расул РАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Рустам ҚОСИМОВ

Масъул котиб:
Аслиддин БЎРИЕВ
Навбатчи:
Музаффар НОРМАТОВ
Саҳифаловчи:
А. ЮЛДАШЕВ

ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.
А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-220